

АҚШда Имом ал-Бухорий номидаги Исломий марказ (видео)



10:13 / 06.08.2018 5048

Шу йилнинг 15 май куни АҚШнинг Флорида штати Орландо шаҳрида Имом ал-Бухорий номидаги Исломий марказ ўз [фаолиятини бошлади](#).

Исломий марказ ўз навбатида масжид вазифасини ҳам бажаради. Қизиқарли томони шундаки, марказда асли келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган имомлар фаолият олиб бормоқда. Марказда ёзги таътил давомида ёш болалар учун диний ва илмий тўғараклар ташкил қилинган.

Шунингдек, Орландодаги марказ мусулмонларга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- кунлик 5 маҳал намоз ўқиш учун масжид;
- 500 дан ортиқ мусулмонлар учун ўзбек тилида Жума маърузалари олиб борилади;
- Рамазон ойида саҳарлик ва ифторлик дастурхонлари, шунингдек таровех намозлари;
- Исломий таълим: тажвид, тафсир, ҳадис, фикҳ, сийрат ва араб тили курслари;

- Ҳаж ва Умра зиёратлари;
- никоҳ ва дафн маросимлари.